

“ШАМОЛ ОРТИДАН ЮГУРИБ” ВА “ТОҒЛАР ҲАМ САДО БЕРАДИ” РОМАНЛАРИДА АФҒОНИСТОН ТАСВИРИ

Дилноза Раматжановна РУЗМАТОВА

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

доцент

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

dishemu2017@gmail.com

Аннотация

Афгон-америка адабиётининг етук намоёндаси Холид Ҳусайнийнинг “Шамол ортидан югуриб” ва “Тоғлар ҳам садо беради” романларида Афғонистоннинг толибонлар ҳукуматидан олдинги ва кейинги манзаралари акс этган бўлиб, муаллиф объектив ёндашув асосида ўз ватанини ҳаққонийлик принципи ёрдамида Америкадан туриб бўлсада тасвирлай олган.

Таянч сўзлар: диаспора адабиёти, афгон-америка адабиёти, Афғонистон, Толибон, макон ва замон, биографик метод, тил, маданият

ОПИСАНИЕ АФГАНИСТАНА В РОМАНАХ «БЕГУЩИЙ ЗА ВЕТРОМ» И «И ЭХО ЛЕТИТ ПО ГОРАМ»

Дилноза Раматжановна РУЗМАТОВА

доктор философии (PhD) по филологическим наукам

доцент

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

dishemu2017@gmail.com

Аннотация

Известный представитель афгано-американской литературы Халед Хоссейни в своих романах “Бегущий за ветром” и “Эхо летит по горам” описывает ситуацию в Афганистане до правления талибанов и после. Автор изображает свою Родину на основе объективного подхода, принципа реализма, и несмотря на то, что находится в Америке.

Ключевые слова: литература диаспоры, афгано-американская литература, Афганистан, Талибан, время и пространство, биографический метод, язык, культура.

XX аср охири XXI аср бошларида шаклланган афгон-америка адабиёти шакл ва мазмун жиҳатидан ҳам Шарқ, ҳам Ғарб адабиёти анъаналарини

Ўзида намоён этади. Америкада яшаб, ижод қилаётган Холид Ҳусайний, Мир Тамим Ансарий, Фарука Гавҳарий, Марям Қудрат Асил каби ижодкорлар ўз асарларида Афғонистон ва Америка перспективаларини бадиий талқинда ҳаққонийлик тамойили асосида тасвирлашади. Ушбу адабий тенденциянинг том маънодаги асосчиси Холид Ҳусайний романларини бадиийликнинг тарихий ва бадиий ҳақиқат мезони ёрдамида таҳлил қилиш муаллиф асарларининг бадиий ўзига хослигини намоён этишда асосий воситалар саналади.

Толибонлар босқини сабаб афғонларнинг бир гуруҳи она юрти билан видолашаркан, ўзга юртдаги дарбадарликда ҳам эртанги кунга, фарзандлари истиқболига ишонишарди. «Шамол ортидан югуриб» романи қаҳрамонлари бирдан-бир ечим — ватанни тарк этиш деб тушунишади. Асарда Покистон орқали Европа ва Америкага чиқиб кетган омадли афғонлар қайсидир маънода уруш ва тинчлик билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилганга ўхшаб кўринсалар-да, аслида улар она замин фарзанди сифатида киндик қони тўкилган маконга интилиб, унинг эртанги кунидан умидвор ватангадолар эди. Демак, ўзга юртга чиқиб кетиш — муаммони бартараф этолмаслигини муаллиф ўз китобхонига исботлай олди.

Толибонларнинг Кобулга кириб келганида аҳоли томонидан шод-хуррамлик билан кутиб олиниши ва тинчлик бўлишига умидворлигига университетнинг собиқ профессори Доктор Расул ва Амир ўртасидаги диалогда алоҳида урғу берилади. Амир Америкадан Афғонистонга Сухробни кутқариш учун келаркан, улар отаси билан тарк этган, болалиги ўтган Афғонистон ва у ердаги уйлар ўрнига Толибонларнинг шарофати билан бутун манзарада «болалар кубикчалари» ҳар ёнга сочилиб ётгандек таассурот уйғотувчи ёқимсиз, аянчли тасвирларнинг гувоҳи бўлади.

Афғонистон асарнинг мураккаб мавзуси сифатида бир нечта мавзуларни умумлаштиради. Уруш ва тинчлик, гуноҳ ва кечириш, топиш ва йўқотиш, тушуниш ва тушунилиш каби бир қатор дуализмларга асосланган Афғонистон адабий мавзуси Ҳусайнийнинг дунёга юрти ва юртдошлари

ҳақидаги иқрорномасидир. Афғонистоннинг урушдан олдин, уруш ва урушдан сўнгги даврларига мансуб афғонларни фаровон ҳаётдан жоҳилликка юз тутишлари аянчли тасвирланган. Толибонлар босқинидан олдин мактаб ва университетларда аёлларнинг таълим олиши ҳамда талабаларга дарс беришлари Амирни туғиб вафот этган онаси — форс мумтоз адабиёт ўқитувчиси София Акрамий персонажида очиб берилади. Болаларни мактабга «Форд-мустанг», «Опел» машина русумларида олиб борилиши, Европага тақдидан ёки улардан-да ўзиб кетган зиёфатлар тасвирида ортиқча дабдабабозлик ўз аксини топади. Амир хотираларида Афғонистон урушдан ва урушдан сўнг қуйидагича тасвирланади: *Менинг 13-таваллуд куним ҳам ҳақиқий байрам тусини олди. Уйимизда Бобонинг яқин дўстлари, ҳамкорлари, қариндош-уруғлар жамланишди. Ичкилик ҳам ариқдаги сувдек оқди. Дастурхонда минг хил нозу неъмат муҳайё этилди. Богимиз тўрида санъаткорлар учун махсус сахна қурилган эди. Афғон булбули Аҳмад Зоҳирнинг ўзи келиб, аккардеон чалиб, қўшиқ айтди [2; 328].*

Амир Сухробни излаб, Америкадан Афғонистонга келганда Кобул тиланчилар шаҳрига айланганлигининг гувоҳи бўларкан, болалигида Бобонинг аҳён-аҳёнда учраб қолувчи тиланчиларга атаб чўнтагида олиб юрувчи махсус пулларни ва отаси ҳеч қачон уларнинг ёнидан садақа бермасдан ўтмаслигини эслайди. Увададан ясалган латта копток тепиб, футбол ўйнаётган болалар, шўровийлардан қолган эски танклар панасида ўтирган чоллар, бошдан оёқ ўранган оёқяланг аёллар кўзга ташланарди. Тиланчиларнинг кўпчилиги 5-6 ёшли болакайлар бўлиб, кўча бурчакларидан “*Баҳшеш, баҳшеш!*” деб зорланиб туришарди. Аммо Амирнинг эътиборини тортган нарсаси кўрганлари орасида эркакларнинг йўқлиги эди, бу тасвир орқали ёзувчи аччиқ ҳақиқатга – уруш Афғонистон оилаларини отасиз қолдирганлигига ишора беради.

Мазкур романда Афғонистон перспективаси толибонлар билан боғлиқ сахналарда катта планда ёритиладики, асарнинг айнан шу қисмларида таъсирдорлик етакчи роль ўйнайди. Бутун асар давомида Афғонистоннинг

аянчли тақдири очиб борилса-да, кульминацион нуқта Сухробни гитлерсифат толибон Асеф кўлидан қутқариш операциясида бадий тўқималар билан тарихийлик уйғунлашувида кузатилади.

Барча даврлар учун стадионларнинг вазифаси спорт ўйинлари ва катта тантаналарни ўтказиш майдони бўлса, толибонлар даврида Афғонистондаги стадионлар ўлимга ҳукм этилган жинойтчиларни қатл этиш учун энг муносиб жой эди. Асарда Кобулдаги «Ғози» стадионидан келтирилган лавҳалар толибонларнинг ислом дини ақидаларини нотўғри талқин қилганликларига яна бир исбот сифатида, ёзувчининг *толибонлар мусулмон эмас* – ҳақиқатини юзага чиқаради. Мазкур даврда ҳам футбол ўйинлари ўтказилар, аммо футболчилар иссиқ кунларда ҳам кўл ва оёқларини тўлалигича ёпадиган узун кийимларда мусобақалашарди. Бу ерда ҳам ўйинлар икки таймда давом этиб, биринчи таймдан кейин толибонларнинг севимли томошаси, драмаси, кўнгилхушликлари – «қатл намойиши» уюштириларди. Амир ва Фарид Сухробни олиб кетган толибонни «Ғози» стадионида қўйилаётган томошадан топишлари мумкинлигини билишгач, биргаликда келишади ва навбатдаги ваҳшийликнинг гувоҳи бўлишади. *Биринчи тайм тугаши билан ҳамма негадир ўрнидан турди. Майдонга менга таниш бўлган иккита қизил пикап кириб келди. Машиналарнинг бирида паранжига бурканган аёл. Иккинчисида эса кўзлари боғланган эркак ўтқизилган эди [2; 411].* Майдонда олдиндан қазилган икки чуқурга иккаласини тушириб, елкасигача ерга кўмишади. Толибонлар ҳар бир амалларида кўр-кўрона ислом динини рўқач қилишлари, қатлдан олдин мулланинг Қуръондан узун сура ўқиши, ношаръий яқинликнинг ҳаромлиги, зинокор хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин тошбўрон қилиниши буюрилганлиги каби масалалар билан ёритиб берилган. Одамларни қийнаб ўлдиришдан лаззатланувчи толибонлар ушбу гуноҳкорларни ҳам бошларига бейсбол тўпидек катталикдаги тош билан то ўлгунича яъни доктор стетоскоп билан томир уришини текшириб ўлганлигини исботламагунича давом этишади.

Ғарбда «этник тозалаш» деб юритилувчи бутун бир миллат ёки қавмни кириб ташлашга қаратилган ҳаракат намуналари 1998 йил Мозори Шарифда содир бўлади. Шиа ҳазорийларнинг эркакларини аёллар, болалар ва қарияларнинг кўз ўнгида ўлдириб, жасадларини итларга майдалаб берганликларини сўз билан таърифлаб бўлмайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Афғонистонга кириб келишганида машиналарда юриб, микрофонларда эълон қилинган, камига варақаларда аҳолига тарқатилган қонунларга толибонларнинг ўзлари амал қилмасликларини ҳашаматли қўрғонларда телевизор кўриб, мусиқа тинглашлари, болалар уйдан келтирилган қизлар ва қиз боладек кийинтирилган ўғил болаларни рақсга тушириб, кўнгилхушлик қилишлари билан характерланади. Бундай жаҳолатдан юртини қутқаришга ожиз Холид Ҳусайний ўз асарлари орқали дунё ҳамжамиятига Афғонистон ва афғонларнинг аянчли тақдирини рўйи рост кўрсата олди. Романдаги ижобий яқун Афғонистонда кузатилмаса ҳам, Америкадаги кичкина афғон жамиятидаги фаровонлик асардаги перспектив хусусиятни таъминлайди.

«Тоғлар ҳам садо беради» романида ёзувчи олдинги икки романидан фарқли ўлароқ Толибонлар ва уларнинг Афғонистон шароитидаги босимлари ҳақида очикчасига муҳокама юритмайди, аммо асар мазмунидан уруш ва террор ҳужумлар сабаб мамлакат ва ундаги оилаларнинг аҳволи аянчли даражага етиб боргани англанади. Муаллифнинг бадиий нияти ҳам Афғонистондаги уруш ва нотинчликни бошқа бадиий мавзулар билан уйғунликда тасвирлаш эди.

Романда энг биринчи Аюб бобо оиласи ҳақидаги ҳикоя берилади. Ушбу оила ҳақиқий шарқона менталитетга хос бўлиб, ота-онага ҳурмат ва фарзандларга меҳр-муҳаббат сифатлари эртак шаклида тасвирланади. Аюб бобо ҳамма фарзандини бирдек яхши кўрарди, аммо кенжатоий Қайс энг севимлиси эди. Қишлоққа бир дев ташриф буюрар, қайси оиланинг уйи олдига келса, улар бир фарзандини беришлари керак эди, акс ҳолда дев қишлоқ аҳолиси бошига талафотлар ёғдирарди. Аюб бобо қайси фарзандини

девга беришни билмай қийналарди, бу энг машаққатли вазифа эди. Аммо қай бир ота-она бир фарзандини иккинчисидан аъло кўра оларди? *Охир-оқибат оила бошлиғи ҳовлидан бир хил ўлчамда беш дона тош териб келиб, уларнинг ҳар бирига фарзандларининг исмини алоҳида ёза бошлади. ...Иложсиз қолган Аюб бобо кўзларини чирт юмди-да, қондаги тошлардан бирини олди. Тошга ёзилган исмга кўзи тушди-ю, ўкириб юборди [2; 460].*

Бу оиланинг сеvimлиси кенжатой Қайс эди. Аюб бобода оталик жасорати шунчалар кучли эдики, у ҳатто девнинг маконига бориб ўғлини олиб кетмоқчилигини, йўқса уни ўлдиргани келганини шижоат билан таъкидлайди. Дев ҳам оталик жасорати олдида ожиз қолиб, унинг юксак шижоатидан ҳайрон қолади. Дев унга боласи бу ерда бахтиёр эканлигини кўрсатади ва эрталабгача шошмасдан қарорини яна бир марта ўйлаб кўришини таклиф қилади. Аюб бобо чин маънодаги ота эканлигини Қайсни девнинг маконида ташлаб кетиш орқали кўрсата олади. У узоқ ўйлайди. Қишлоқда Қайсни оғир ҳаёт кутаётганлигини тушунгани боис, гарчи айрилиққа дош бериш қийин бўлса-да, уни шу ерда қолдиришга қарор қилади. Демак, Хусайний Аюб бобо образи орқали шарқда ва айниқса Афғонистонда оталар ўзлари қийинчиликда яшасалар-да, фарзандлари улардан олисда бўлса ҳам, тинч ва фаровон яшашларини афзал кўришларини образли ифодалаган. Аюб бобо – идеал ота. Дев унга шафқат қилиб, сеҳрли ичимлик ёрдамида ўғлини унутишига ёрдам беради.

Мазкур эртак толибонлар ҳужуми натижасида Афғонистонда қанчадан-қанча оилалар фарзандларини болалар уйларига ёки бегона оилаларга фарзандликка беришни ягона мақбул ечим сифатида қабул қилганликларига муаллифнинг сирли ишораси эди. Фарзандини девга бериб, қишлоқ аҳолисини асраб қолган Аюб бобо билан параллел равишда бошқа фарзандларини қишдан омон олиб ўтиш учун қизи Парини Нила Ваҳдатига сотган Сабур билан боғлиқ сюжет чизиғи келтирилади.

Ёзувчи мазкур романдаги оилаларни шундай таснифлайдики, уларнинг бир-бирига ўхшамайдиган қирраларини тасвирлаш орқали

жамиятда ҳам шу турдаги оилаларнинг мавжудлиги ва уларни қийнаётган муаммоларни бадий усулда ифодалайди. Асар «Аюб бобо ва унинг оиласи» ҳақидаги ҳикоя, яъни эртак билан бошланади. Структурализм методи анъаналарига кўра, муаллиф ўз ўқувчиларини навбатдаги сюжетларга тайёрлайди. Ҳусайнийнинг маҳорати шундаки, Аюб бобо ва Сабур тақдирида фарзандини ўз хоҳиши билан бошқага бериш ҳамда бунинг замирида ота-она учун гарчи ўз зурриёдини кўрмаса-да, унинг қорни тўқ, усти бут бўлиши муҳим эканлиги ўз исботини топади. Ёзувчининг бу икки сюжетни яъни эртак матни ва асардаги ҳаётий ҳақиқатнинг параллел берилишидан структурализм анъаналари яққол сезилади. Эртакдаги Аюб бобонинг кенжа ўғли Қайс девнинг маконида фаровонлик ва тўкинликда яшаганидек, романдаги Пари ҳам Вахдатилар уйида бир болага керагидан ортиқ эътибор ва таъминотга эга бўлади. *“Дев пардани тортиб очди. Аюб бобонинг кўз ўнгиде анвойи гулларга тўла, ҳар қадамда зилол булоқлари бор, мрамор кўшкли кўм-кўк улкан бог намоён бўлди. Дарахтлар тагида қувнаб чопқиллаб юрган болалар орасида ўғли Қайсга кўзи тушди”* [2; 462].

Бошда ўғлини сўзсиз олиб кетишга тайёр турган ота, бир оз ўтиб ўйга толди. Ортада ўғлини қанчалар оғир ҳаёт, ўзи каби деҳқонлар ҳаётидаги қашшоқлик кутаётганини эслаб, сиқилди. Бу ерда тўкис ҳаёт ўғли учун минг чандон афзаллигини билгач, ота юрак-бағри эзилиб, ўғлини қолдиришга қарор қилди. Дев Аюб бобога барчасини унутиши учун суюқлик беради ва уйга қайтгач, қишлоқдошларининг ҳеч бир саволига жавоб бера олмайди. Аюб бобо сингари бутун қишлоқ ҳам Қайсни унутди. Эртак сўнггида Аюб бобо ва Майдан Сабз аҳолиси бахтли ҳаётга эришади. Мавсум серёмғир келиб, бутун борлиқ яшилликка бурканди. Умрлари давомида илк бор болалар кўм-кўк майса устида чопқиллаб ўйнардилар. Ҳосил йиллар ўтган сайин мўл бўлиб, одамлар бахтли яшай бошладилар.

Ёзувчининг мақсади перспектив бўлиб, у ҳам Афғонистоннинг келажакдаги умидли кунларига ишора қилади. Худди эртак ва роман қаҳрамонларидек, ўз фарзандларини қурбонлиги билан тўлов тўлаган

афғонлар ҳам бахтли яшашга ҳақлидирлар, деган фикр асар сўнггида ўқувчи онгида шаклланади.

«Тоғлар ҳам садо беради» романи диаспора адабиётининг ёрқин намунаси сифатида нафақат афғон маданияти, балки Америка ва Европа маданиятларини ҳам ўзида мужассамлаштиради. Муаллиф ўқувчига асар ичидаги бир нечта сюжет чизиқлари орқали бир қатор оилалар билан биргаликда бир-бирига ўхшамаган маданиятларни таништирадигани, бу ҳолат асарда диаспоранинг уч муҳим хусусияти, яъни тиллар ва маданиятлараро тўқнашув, биографик метод тамойиллари, замон ва макон мутаносиблигини ўзида жамлаганидан далолат беради. Асарнинг эътиборли жиҳати шундаки, муаллиф турли оилаларга мансуб қаҳрамонлари ҳаёти орқали турли миллат турмуш тарзини очиб беради.

Адиб деярли барча асарларида, жумладан «Тоғлар ҳам садо беради» романида Афғонистондаги афғон болалари ва диаспорадаги афғон болалари типик образини яратди. Бешинчи бобда кутилмаган ижтимоий шароитда вужудга келган оила, яъни чет эллик кўнгилли ҳамшира ва қариндошлари, юртдошлари эътиборидан бебаҳра бемор қизнинг самимий ришталари тасвирланади. Боб 2003-2009 йиллар воқеаларини ўз ичига олган, инсон камолоти ва таназзули учун олти йилнинг ўзи етарли вақт эканига ишора қилади.

Амра Адемовик Босниядан келган бўлиб, чорасиз Рушана (Руши)нинг соғлиғи учун тинимсиз курашувчи гуманист сифатида тасвирланади. У асли афғонистонлик, аммо Америкада истиқомат қилувчи Идрисга Руши фожиасини гапиришдан мақсади касби шифокор бўлган асар қаҳрамонининг юртдошига беғараз ёрдамидан кутилган бир илинж эди. Идрис ва унинг амакиваччаси Темурнинг Кобулга ташрифи сабаби аслида ота-онасидан қолган мулкларни ўзлаштириш бўлиб, ушбу ниятларини оммага ошкор қилмаслик учун жамиятда ўзларини Афғонистондаги мавжуд муаммоларга эътиборлидек кўрсатишарди.

Романда босниялик ҳамшира Амра Афғонистондан ташқаридаги афғонлар ҳақида фикр юритганда ҳақ эди, яъни энди хорижлик афғонлар ва бу юрт муаммолари ортиқ уларники эмас. *“Америкалик, европалик афғонлар, - деди Амра, - келишади-да, унинг суратини олиб кетадилар. Видеога олишади. Ваъдалар беришади. Сўнг уйларига қайтадилар-да, оиласига кўрсатадилар. Худди Руши зоопаркдаги бир ҳайвондек. Мен эса балки ростдан ҳам ёрдам берар, деган ниятда бунга қўйиб бераман. Аммо улар унутадилар. Қайта улардан хабар ҳам ололмайман”* [2; 545].

Чет эллик афғонлар болалари билан ўз уйларида, ватандан олисда тинч яшашга ҳақлимиз, деб ҳисоблашади, аммо бечора 9-10 ёшлар чамаси Рушананинг аҳволи уларга эриш туюлади. Аммо Амра уларга ўхшамади, чет эллик ҳамширанинг Руши учун оналарга хос меҳридарёлик, қизалоқни бу аҳволга солганларга нисбатан нафрат ва исён унга тинчлик бермасди. Ҳар бир ёзувчининг бадиий маҳоратини белгилашда унинг қаҳрамон портретини яратишдаги ўзига хос усули алоҳида аҳамият касб этишини инобатга олсак, Ҳусайнийнинг мазкур романда портрет яратишидаги энг асосий қуроли диалог ва монологларда, образларнинг ўз нутқлари орқали шаклланганлиги образлар ўзларини ўз сўзлари орқали кашф этишларига замин яратади.

Абдулла «альцгеймер» касаллигига чалинган бўлиб, хотирасини йўқотган эди. Ҳар куни ўлган рафиқасини сўраб, қизи Парини роса қийнади. Унга доктор айтганидек, одатий ҳаёт тарзи лозим, ҳаёжонланиш мумкин эмас, ўтмишини эсламагани маъқул. Синглисини эслай олмади, соғлиги сабаб эслашга мажбур қилишмади ҳам, лекин Пари кимлигини, қаерданлигини билди. *“...ўз илдизингни билиш жуда ҳам муҳим. Қай бир нуқтадан инсон бўлиб, ҳаёт бошлаганингни билиш муҳим. Агар билмасанг, ҳаётинг ҳақиқатга ўхшамайди. Жумбоқ мисол бўлади. Худди бир ҳикоянинг ўртасида келиб қолиб, бошини била олмай, гап нимада эканлигини тушунмай ҳалак бўлишига ўхшайди”* [2; 671].

Ҳусайний мазкур парча орқали бугунги глобаллашув шароитида нафақат афғонлар, балки барча миллат вакиллари ҳам ўз шажарасидан бохабар бўлиши кераклиги, оиланинг муқаддаслиги, аجدодлар хотирасига авлодлар эҳтироми муҳимлигини таъкидлайди.

Ҳар бир ёзувчи ижодини биографик тамойиллар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, ёзувчини ижодкор сифатида англашга имкон беради. Шу жумладан, Холид Ҳусайний ижоди асарларидаги диаспора хусусиятларидан келиб чиқиб, тил ва маданият тўқнашуви, биографик метод тамойиллари, замон ва макон мутаносиблигини инобатга олиб ўрганилса, Афғонистон перспективаси орқали муаллиф асарларининг ўзига хос услубий жиҳатлари намоён бўлади. *«Ҳаёт воқелиги оддий баён қилинган, ўқувчиларнинг диққатини жалб этиш, қизиқтириш мақсадида ўйлаб топилган, тўқилган саргузаштлар жўн ифодаланган, ўйлантирмайдиган, мушоҳада юритишга асос бермайдиган енгил-елпи оммабоп асарларни “бадий асар” эмас, “адабий асар” дейиш керак. Бадий асар ҳаёт воқелигининг образлар воситасидаги ифодасидир. Бадий асарда ҳаётнинг муайян қирраси маълум бир яхлитлик касб этиб, аксланади. Унинг бу манзарасида бирор-бир воқелик, ундаги одамлар феъл-атвори, дунёқараши, интилиши, турмуш тарзи, кийиниши, бир-бири билан ўзаро муомала-муносабати каби намоён бўлади»* [1; 40]. Ҳусайний асарларида ҳам айнан Афғонистоннинг объектив кўриниши акс эттирилиб, Афғонистоннинг ижтимоий ва сиёсий муаммолари бадий чизгилар ёрдамида тасвирланадики, муаллифнинг ҳар бир романи баркамол бадий асар сифатида даврнинг ўзига хос кўзгуси вазифасини бажара олди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Улуғов А. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2018. – 308 б.
2. Ҳусайний, Холид. Минг қуёш шуъласи: роман. /Таржимонлар Рустам Жабборов, Мунира Норова. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2017. – 688 б.

